



ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Абдуллаев Асроржон Равшанжон ўгли –

*“Ипотека банк” ОТР Group Шайхонтохур филиали
Чакана кредитларни ундириш бўлими бош
мутахассиси*

Аннотация. Ушбу тезисда рақамли тўловлар рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда ҳар қандай тўлов турларига, жумладан, мобил тўловлар, мобил ҳамёнлар, криптовалюталар ва электрон тўловларни амалга ошириш бўйича изланишлар олиб борилган.

Калит сўзлар. Рақамли тўловлар, мобил тўловлар, мобил ҳамёнлар, криптовалюта, аҳолининг рақамли тўловлари.

Рақамли банк тушунчаси кенгроқ бўлиб, у ўз ичига онлайн банклар, интернет банклар ва мобил банклар қамраб олади. Онлайн банкларнинг кўпайиши анъанавий тижорат банкларининг чакана банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини кескинлашишига олиб келади. Онлайн банклар рақамли кўринишда бўлиб, мижозларни анъанавий банклардан кўра уларни афзал кўришининг сабаблари сифатида мобил иловалар орқали банк хизматлари бозорига эркин уланиш мумкинлигини, хизматлар мижозларга индивидуал ёндашув асосида ташкил этилишини, шунингдек, уларнинг кам харажатли эканлигини келтириш мумкин. Ушбу турдаги жисмоний жойлашуви мавжуд бўлмаган онлайн банклар айрим адабиётларда необанк деб ҳам юритилади. Бундай турдаги биринчи банк Varo бўлиб, у 2015 йилда ўз фаолиятини бошлаган⁶.

Необанклар ўз операцияларини фақатгина рақамли тарзда ташкил этишади, уларда жисмоний кўринишда бирор-бир филиали бўлмайди. Барча операциялар онлайн тарзда, одатда смартфонларда амалга оширилади. Бундай турдаги банклар банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган ҳолда ёки олмасдан ҳам фаолият юритишади. АҚШдаги необанклар томонидан 2022 йилда амалга оширилган умумий транзакцияларининг қиймати 3.25 трлн АҚШ долларига етган бўлиб, ушбу транзакциялар 2027 йилгача ўртача йиллик ўсиши 22.5% бўлиши кутилмоқда⁷.

⁶ V. Chauhan, R. Yadav, and V. Choudhary, “Analyzing the impact of consumer innovativeness and perceived risk in internet banking adoption: A study of Indian consumers,” *International Journal of Bank Marketing*, 2019.

⁷ “Neobanking - Worldwide | Statista Market Forecast.” <https://www.statista.com/outlook/dmo/fintech/neobanking/worldwide> (accessed Dec. 24, 2022).



1-расм. 2014-2021 йилларда дунё бўйлаб янги ташкил этилган онлайн банклар сони⁸

Сўнгги йилларда ушбу бозор шиддат билан ўсиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, анъанавий банклар ҳам миждозларга масофавий хизмат кўрсатиш учун ўзларининг онлайн иловаларини ишлаб чиқишган ва доимий равишда уларни оммалаштириш ва бозорда кўпроқ улушга эга бўлиш устида ишлашмоқда. Необанклар томонидан амалга ошириладиган транзакция-ларнинг қиймати фақатгина кичкина қийматли бўлмасдан, йирик қийматларда ҳам амалга оширилади. Масалан, АҚШдаги необанк томонидан амалга оширилган бир дона транзакциянинг энг йирик қиймати 1 млрддан ошган.

Юқоридаги расмдан кўриш мумкинки, онлайн банк хизматларини кўрсатувчи стартаплар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса пандемия сабабли ушбу турдаги хизматлар бозорига талабнинг кескин ошиши бозорда кўплаб янги номларни пайдо бўлишига олиб келмоқда. Пандемия давом этаётган ва карантин қоидалари кучайтирилган, 2019-2020 йилларда, бундай турдаги банк хизматларини кўрсатувчи стартапларнинг янги очилишида кескин ошиш кузатилган.

Жисмоний жойлашувга эга бўлмаган бундай турдаги фақат онлайн банкларнинг миждозларини ёш гуруҳида кўра таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолат юзага чиқади:

1-жадвал

АҚШдаги онлайн банк хизматларидан ва мобил банкингдан фойдаланувчиларнинг ёш гуруҳига кўра тақсимланиши⁹

Ёш гуруҳи	Онлайн банкда асосий ҳисобрақамга эга	Асосан мобил банкингдан фойдаланувчилар
18-24	24%	62.9%

⁸ “Financial Institutions | Statista.” <https://www.statista.com/markets/414/topic/993/financial-institutions/#statistic4> (accessed Dec. 24, 2022).

⁹ “Digital Banking In 2022: Trends And Statistics | Bankrate.” <https://www.bankrate.com/banking/digital-banking-trends-and-statistics/#history> (accessed Dec. 24, 2022).



25-34	26%	61.7%
35-44	29%	49.8%
45-54	18%	36.3%
55-64	8%	21.3%
65+	-	8%

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, асосий мижозлар 45 ёшгача бўлган инсонлар бўлиб, 55 ёшдан юқориларнинг улуши сезиларли даражада кам эканлигини кўриш мумкин. Ушбу жадвалдан яна шуни хулоса қилиш мумкинки, келажакда анъанавий банк хизматларига бўлган талаб сезиларли даражада пасаяди ва банкларнинг географик нуктаи назардан мижозларга яқин бўлишига эҳтиёж қолмайди.

Учинчи устунда мобил банкингдан фойдаланувчиларнинг ёшига кўра гуруҳланган ва ҳар бир гуруҳдаги улуш берилган. Унга кўра, 18-24 ёш оралиғидаги ҳар 100 та инсоннинг қарийб 63 таси ўтказмаларда асосан мобил банкингдан фойдаланади. Шунингдек, АҚШдаги 55-64 ёш гуруҳига мансуб ҳар 5 кишининг 1 нафари мобил банкингдан фойдаланишини кўришимиз мумкин.

Масофавий банк хизматларининг оммалашиб бориши билан ва пандемия сабабли банк филиалларига бўлган талаб ҳам тушиб бормоқда. Ўз навбатида ривожланган давлатлардаги тижорат банклари шиддат билан ўз филиалларини қисқартирмоқда. Сўнгги 10 йилликда АҚШдаги банклар ўртача олган бир ойда 99 та филиалини ёпган бўлса, пандемия даврида ушбу кўрсаткич ўртача олганда бир ойда 201 та филиални ёпилишига тенг бўлмоқда¹⁰. Умуман олган, АҚШдаги 1980 йиллардаги 18 мингта банк институтларидан 2021 йилда атиги 5 мингтаси қолиб, 2/3 қисми банк бозорини тарк этди¹¹. Тижорат банкларининг филиаллари сонини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг сони энг кўп бўлган 2009 йилда 95 мингта бўлган бўлса, 2021 йил якунига келиб 79 мингтага тушиб кетди. Шундан, 7425 таси 2017 йилдан 2021 йиллар оралиғида ёпилган. Тижорат банкларининг бундай агрессив тарзда филиалларини ёпишига сабаб бўлаётган омиллар сифатида банк хизматлари бозоридаги технологик ўзгаришларни келтириш мумкин. Бугунги кундаги замонавий банк технологик трансформациялардан кейин кўплаб маъмурий ишларни автоматлаштирмоқда, хизматларни онлайн тарзда ташкил этмоқда ва умумий жараённи ташкил этишда молиявий технология-ларга суянмоқда.

Бундай трансформациялашув фақат АҚШ тижорат банклари учун характерли эмас, бутун дунёда масофадан банк хизматларини кўрсатиш учун рақамли банк амалиётлари кенгайиб бормоқда. Рақамли банк хизматлари кўрсатилиши учун замон ва макон танламаслиги унинг мижозлар учун асосий қулайлиги ҳисобланади.

¹⁰ “The Great Consolidation of Banks and Acceleration of Branch Closures Across America» NCRС.” <https://ncrc.org/the-great-consolidation-of-banks-and-acceleration-of-branch-closures-across-america/> (accessed Dec. 25, 2022).

¹¹ H. L. Q. Nguyen, “Are credit markets still local? Evidence from bank branch closings,” *Am Econ J Appl Econ*, vol. 11, no. 1, pp. 1–32, 2019, doi: 10.1257/APP.20170543.



Шунингдек, хизмат кўрсатиш нархининг пастлиги ва инсон омили қуйи даражада бўлиб, сифат юқори даражада эканлиги ҳам унинг асосий афзалликларидан ҳисобланади. Анъанавий банклар ҳам ўз амалиётларини рақамлаштириш билан харажатларни минималлаштириш ва хизмат кўрсатиш таннархини пасайтиришга эришиш орқали рақобат бардошлигини ошириб бормоқда. Қуйидаги жадвалда анъанавий ва рақамли банк ўртасидаги қиёсий фарқ келтирилган.


2-жадвал

Анъанавий ва рақамли банкларнинг қиёсий таҳлили¹².

	Анъанавий банк	Рақамли банк
Хизматлар	Асосан филиаллар орқали хизмат кўрсатиш, аммо айрим ҳолатларда онлайн ҳисобрақамлар ҳам таклиф қилинади	Асосан онлайн ва мобил банкинг
Ютуқлари	<ul style="list-style-type: none"> • Маҳсулотлар кўлами кенгроқ; • Юзма-юз хизмат кўрсатиш; • Йирик банкоматлар тармоғи 	<ul style="list-style-type: none"> • Юқори фоиз ставкалари • Исталган жойда банк хизматлари кўрсатилиши мумкин • Паст хизмат кўрсатиш нархи
Камчиликлари	<ul style="list-style-type: none"> • Юқори хизмат кўрсатиш нархи • Паст фоиз ставкалар • Ҳисобрақам очиш учун кўп ҳужжат талаб қилиниши мумкин 	<ul style="list-style-type: none"> • Нақд пулда депозит қўйиш имкони паст даражада • Чекланган сондаги маҳсулот ва хизматлар мавжуд

Қуйидаги расм маълумотларидан кўриш мумкинки, давлатларнинг даромадлари юқори бўлиши билан унда истиқомат қилувчи инсонларни рақамли банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда. Аммо эътиборли томони шундаки, таҳлил давридан 10 йил олдин паст даромадли давлатлар аҳолиси ўртача олганда ҳар 100 кишидан 12 таси рақамли банк хизматларидан фойдаланган бўлса, 2021 йилга келиб, ҳар 100 кишидан 35 таси рақамли банк хизматларидан фойдалана бошлаган. Бундан кўриш мумкинки, паст даромадга эга мамлакатларда рақамли технологиялар билан боғлиқ бўлган банк хизматлари охириги 10 йилликда кескин ошган ва рақамли технологиялар диффузияси 3 баробарга ошган.

¹² “Digital Banking In 2022: Trends And Statistics | Bankrate.” <https://www.bankrate.com/banking/digital-banking-trends-and-statistics/#history> (accessed Dec. 24, 2022).



2-расм. Даромадига кўра дунё мамлакатларида инсонларнинг рақамли банк хизматларидан фойдаланиш улуши¹³


Паст даромадли ва юқори даромадли давлатлардаги рақамли банк хизматларидан фойдаланиш даражалари орасидаги кескин тафовутларнинг сабаблари сифатида, сўнгги технологик ютуқлар асосида рақамли банк хизматларини ташкил этиш тижорат банклари учун қимматлиги, етарли даражада малакали мутахассислар етишмаслиги ва интернет билан қамров даражаси пастлиги кабиларни келтириш мумкин.

Қуйидаги расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам рақамли банк хизматларини ривожлантириш ва тижорат банкларини рақамли трансформациясини жадаллаштириш ўзининг аҳамиятини оширмоқда. Рақамларни солиштирадиган бўлсак, рақамли тўловларни амалга ошириш бутун дунёдаги ўртача ва Ўзбекистондаги ўртача орасидаги фарқ 2014 йилда 6% бўлган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу фарқ 22% га етган. Қўшни Қозоғистон билан солиштирадиган бўлсак, аҳолимизнинг рақамли тўловларни амалга ошириш даражаси ҳали Қозоғистонликларнинг 2014 йилдаги даражасига етиб келмаганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, орадаги фарқ сезиларли даражада кенгайганлигини расмдан кўриш мумкин. Бундан ташқари, 2021 йилга келиб рақамли тўловлардан аҳолининг фойдаланиш даражаси кескин ошганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистонда рақамли тўловлардан аҳоли кенг қамровли фойдаланмаётганлиги сабаблари сифатида,

¹³ “The Global Findex Database 2021.” <https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex> (accessed Dec. 22, 2022).



интернет билан қамров даражасининг пастлиги ва аҳолининг смарт телефон ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги билан изоҳлаш мумкин.



3-расм. Жаҳондаги ва айрим мамлакатлардаги аҳолининг рақамли тўловлардан фойдаланиш даражасининг қиёсий диаграммаси¹⁴.

Умуман олганда юқоридаги расмлардан 2019 йилда бошланган коронавирус пандемиясидан кейин инсонларнинг рақамли тўловлардан фойдаланиш даражаси кескин ошганлигини кўриш мумкин. Пандемия узоқ йиллар илгари бошланган банк-молия секторининг рақамлаштириш жараёнини тезлаштириб юборди. Бунинг исботи сифатида биринчи 5 йилликдаги рақамли тўлов ўтказмаларидан фойдаланиш даражасининг ошиши бутун дунёда 8% га тенг бўлган бўлса кейинги 5 йилликда, яъни пандемия рўй бергандан кейин ўсиш суръати тезлашган ва 2017 йилга нисбатан 12% га фарқ қилган. Ушбу фарқ умумий ўртача бўлиб, алоҳида давлат мисолида қаралса ривожланаётган давлатларда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда охириги ўн йилликда тижорат банкларида ҳисобрақамлар очиш қамрови сезиларли даражада ошди. Масалан, 2011 йилда бутун дунёдаги балоғатга етган аҳолининг 50.6% да банк ҳисобрақамлар мавжуд бўлган бўлса, 2022 йилга келиб балоғатга етган аҳоли сони 5.7 млрддан ошган ҳолда уларнинг 76.2% да банк ҳисобрақамлари мавжуд. Энди Ўзбекистондаги ушбу кўрсаткич ҳолатига қарайдиган

¹⁴ “The Global Findex Database 2021.” <https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex> (accessed Dec. 22, 2022).



бўлсак, 2011 йилда мамлакатимиздаги балоғатга етган аҳолининг 22.5% да банк ҳисобрақамлари мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 44.1% етган.¹⁵ Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилидан кўриш мумкинки, ҳали мамлакатимизда аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш нуқтаи назаридан кўп ишлар амалга оширилиши керак.

¹⁵ W. Bank, “The Little Data Book on Financial Inclusion 2022,” 2022, Accessed: Dec. 24, 2022. [Online]. Available: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/38148>